# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 6 сентябрь, № 173 (6103) Шанба


# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

*Бугун дунё миқёсида юксак эътироф этилаётган тараққиётнинг “ўзбек модели” самаралари Сирдарё вилоятида ҳам яққол бўй кўрсатмоқда. Тарихан қисқа давр мобайнида воҳа иқтисодий-ижтимоий ҳаётида рўй берган беқиёс ўзгаришлар, шаҳару қишлоқларда барпо этилган обод ва кўркам манзиллар, ҳудуд аҳлининг турли соҳаларда қўлга киритаётган муваффақиятларини кўриб бунга яна бир карра иқрор бўлишингиз табиий. Энг муҳими, ана шундай изчил ислоҳотлар шарофати билан Сирдарё ўтган 23 йил ичида аграр вилоятдан саноати тобора ривожланиб бораётган салоҳиятли ҳудудга айланди. Чунончи, айни пайтда бу ерда фаолият олиб бораётган 24 та ишлаб чиқариш субъекти ўз маҳсулотларини тўғридан-тўғри хорижий мамлакатларга етказиб бераётгани кўнгилда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.*



Сирдарё вилояти:

## Тараққиётнинг юксак суръатлари

### Иқтисодий ривожланиш омиллари

— Турли тадбирлар, тўй-маъракаларда “Ким эдигу ким бўлдик?!” деган савол атрофида сўз юритилаётганига кўп гувоҳ бўламан, — дейди Боёвут туманида яшовчи меҳнат фахрийси, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Саъдулла Абдуқодиров. — Уларда кимдир тадбиркорлик қилиб, эл-юртга ҳам, ўз оиласига ҳам наф келтираётганидан гап очса, кимдир давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлар туфайли фарзандлари ҳеч кимдан кам бўлмай камол топаётганидан қувониб сўзлайди. Кексаларимиз эса буларнинг бари истиқлол шарофати, юртимиздаги тинчлик, осойишталик меваси эканлигига шукрона айтиб, ҳамиша дуога қўл очишади.

Дарҳақиқат, бугун сирдарёликларнинг мақтанса арзигулик ютуқлари кўп. Масалан, жорий йилнинг ўтган олти ойида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида саноат улуши 26,5 фоизни ташкил этганининг ўзиёқ мустақиллик йилларида воҳада амалга оширилган катта ўзгаришлардан дарак беради.

Ҳозир бу ерда кўплаб хорижий, қўшма ва маҳаллий корхоналар ишлаб турибди. Айни чоғда “Жиззах” махсус индустриал зонасининг Сирдарё филиали ҳудудида бир неча йирик ишлаб чиқариш объектлари қурилиши қизғин давом эттирилаяпти. “Пенг шенг” қўшма корхонаси томонидан тайёрланаётган кафель, чарм-пойабзал маҳсулотлари ва мобиль телефонлар эса маҳаллий ҳамда хорижий бозорда аллақачон ўз харидорларини топган.

Айниқса, енгил саноат соҳасидаги технологик янгиланишлар туфайли аввал бирон килограмм ҳам тола қайта ишланмаган ҳудудда бугун маҳаллий хом ашёнинг 22 фоизи калава ип, мато ва тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда. Эътиборлиси, жорий йилнинг ўтган даврида Янгиер шаҳрида “Омад текс”, Сирдарё туманида эса “Бек текс” корхоналари иш бошлаши билан бу борадаги имкониятлар кўлами янада кенгайди.

Бинобарин, вилоятда фармацевтика саноати ҳам жадал ривожланаётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Агар ўтган йили ҳудудда дори-дармон ва тиббиёт воситалари ишлаб чиқараётган корхоналар сони 4 тани ташкил этган бўлса, бу йил улар қаторига Боёвут туманида иш бошлаган “Sirdarya licorice ekstract” масъулияти чекланган жамияти ҳам қўшилди. Ҳадемай, Гулистон шаҳрида фаолият бошлаши кутилаётган Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида шприцлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

(Давоми 2-бетда).





**Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг, қандай буюк мероснинг ворисларимиз?!**

*Мамлакатимиздаги барча таълим даргоҳларида “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида “Мустақиллик дарслари” ўзгача руҳда, кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди. Бу йилги “Мустақиллик дарслари” истиқлол йилларида халқимиз эришган улкан ютуқ ва марралар ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференцияда сўзлаган маърузаси мазмун-моҳиятига бағишланди.*

## Абадиятга дахлдор маънавий хазина

### Истиқлол фарзандларининг комил инсон бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этади

Ўзим ҳам бир нечта мактаб, академик лицей ва олий ўқув юртларида ўтказилган “Мустақиллик дарслари”да иштирок этдим. Қўқон давлат педагогика институти, Наманган давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети, Қўқон шаҳридаги тиббиёт коллежида бўлиб ўтган тадбирлар жўшқинлиги билан айрича таассурот қолдирди. Хусусан, Қўқон давлат педагогика институтидаги машғулотларда талабалар Президентимизнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуидаги маърузасидан жуда таъсирланганини айтишди. Чунончи, ёшлар мактаб ва лицей ўқув дастурлари ҳамда олий таълим дарсликлари орқали улуғ аждодларимизнинг ҳаёти ва илмий мероси бўйича маълумотга эга бўлган эсалар-да, аммо бизнинг юртимиздан етишиб чиққан ушбу аллома бобокалонларимиз Европа илм-фанининг юксалишига ўз илмий асарлари билан устозлик қилганликларини Юртбошимизнинг Самарқанддаги маърузасидан кейин батафсил ва асосли тарзда англаб етишганини тўлқинланиб гапиришди. Масалан, Президентимиз нутқида Аҳмад Фарғоний бобомиз ҳақида ўта муҳим факт ва мисоллар келтирилган. Бу бобокалонимиз томонидан IX асрда яратилган “Астрономия асослари” фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Франция, Италия, Англия сингари бир қатор Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган. Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган.

Президентимиз маърузасида келтирилган бундай ёрқин мисоллар талаба-ёшлар, ўқувчиларимизни беҳад ғурурлантирди. Бу ғурурни уларнинг юз-кўзидан, айтаётган сўзидан яққол англадик.

Бошқа таълим муассасаларига борганимизда ҳам Истиқлол меъмори ташаббуси билан маънавий меросимизни қайта тиклаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, улуғ боболаримизнинг хоки ётган жойларни муқаддас қадамжоларга айлантириш, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимизнинг номларини эъзозлаш, асарларини ўрганишга оид кенг кўламли ишларга қўл урилгани, бундай ёруғ, дориламон кунларга минг машаққатлар эвазига эришилгани таъсирчан мисоллар ёрдамида атрофлича тушунтирилди.

Биз қарийб бир асрлик мустабид сиёсат исканжасида ўзимизнинг шонли тарихимиз, буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини, мухтасар айтганда, ким эканлигимизни дунёга маълум қилишдан маҳрум эдик. Бизнинг халқимизга шу даражада хавотир билан қаралардики, чет эл олимлари билан юзма-юз бўлиб қолмаслигимиз учун барча “имконият”ларни ишга солар эдилар. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Юртбошимизнинг миллий қадриятларимизни тиклаш бўйича олиб борган мардона кураши бугун ўз натижасини бермоқда. Биз мардона кураш иборасини бежиз тилга олмадик. Чунки бизнинг тарихимиз, маънавий мулкимиз дунё эътиборида шу даражада қасддан чалкаштириб ташланган эдики, уни жой-жойига қўйиш ва эътироф эттириш узоқ, машаққатли курашни ва кўкрак билан тутиб ҳимоя қилишдек оғир вазифани елкага олишни талаб қилар эди. Бугун мустақиллик йилларида шу йўналишда амалга оширилган ишлар кўламига назар солар эканмиз, узоқни кўзлаб, мунтазам равишда олиб борилган ишлар натижасида қадим маданиятимиз ва мустақиллик даври орасидаги камситилиш ҳамда беписандлик асри асоратлари деярли йўқолганини англаймиз. Бу — халқимизнинг оламшумул ғалабаси! Бу — буюк бобокалонларимиз, азиз авлиёларимизга кўрсатилаётган беқиёс эҳтиромнинг амалдаги исботи! Бу — бугунги ва эртага етишиб келадиган ёш авлод қўлига берилган мангу ҳужжатдир.

Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида “Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган ҳаётий мулоҳазага алоҳида урғу бердилар. Дарҳақиқат, айни дамда ҳар бир юртдошимизнинг турмуш тарзи, уларнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишларни кузатиб, 23 йил ичида босиб ўтган йўлимиз, чиндан ҳам, ҳавас ва ҳайратга арзийди, деб бемалол айта оламиз.

Мамлакатимиз, таъбир жоиз бўлса, бугун улкан қурилиш майдонига айланган. Бирор бир соҳани ажратиб кўрсатишга одам қийналади. Қайси соҳага қараманг, жадал суръатлар билан иш бораётганини кўрасиз. Айниқса, дунё халқлари ва сиёсатдонлари эътироф этган “ўзбек модели”нинг нақадар ҳақ ва ҳаётий эканлигига яна бир карра имон келтирдим. Мана, масалан, кейинги йилларда бунёд этилган замонавий умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежларию академик лицейларни олайлик. Уларни кўриб кўзимиз қувнайди, дилимиз яйрайди. Чунки бугунги таълим даргоҳлари аввалгилари билан солиштирилганда, ер билан осмончалик фарқ қиладиган жиҳатлар кўзга яққол ташланиб қолади. Энди шу ўринда бир саволни ўзимизга берайлик: бу замонавий бунёдкорлик ишлари, ислоҳот ва ўзгаришлар ўз-ўзидан амалга ошдими? Ёки бирор тасодиф туфайли пайдо бўлиб қолдими? Йўқ, асло йўқ! Бунинг ортида оғир меҳнат, юрт ва халқ тақдири, келажаги ўйловида ўтказилган ҳаловатсиз кечалар, тинимсиз изланишлар, Президентимизнинг пухта ва оқилона сиёсати турибди.

Ўтган йили Лондонда ўтказилган “Таълим вазирларининг жаҳон саммити”да қатнашдик. Лотин Америкаси, Африка қитъасидаги мамлакатлардан келган таълим вазирларининг нутқларида бир овоздан таълим соҳасига давлатнинг эътиборсизлиги, ўқув муассасаларининг молиявий ночорлиги, саводсизлик фоизининг ошиб бораётганлиги таъкидланди. Тўғриси, бу борада ўзимизда олиб борилаётган ишларни қиёслаб, қалбим тўлқинланиб кетди. “Мустақиллик дарслари”да ана шу қиёсни келтирганимизда, ёшлар узоқ қарсак чалиб туришди. Фақат бу эмас. Юртимизда олиб борилаётган ҳар бир ислоҳот кўламларини хориждаги давлатлар билан таққослаганимизда, йигит-қизлар гулдурос олқишлар билан ўз ҳиссиётларини билдириб турдилар.

Сўз ва амал уйғунлиги эзгу ташаббусларга қанот беради. Шу боис комил ишонч ва фахр билан айтамизки, бахтиёр фарзандларимиз Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуидаги маърузасини ўқиш ва ўрганиш орқали юртимиз қандай улкан ва ноёб бойликлар макони, азиз авлиёлар, буюк алломалар, олиму мутафаккирлар Ватани эканини, биз қандай бетакрор мерос, қандай улуғ зотларнинг ворисси эканимизни тушуниб етмоқда. Бу эса нафақат мамлакатимиз ёшлари, шу билан бирга, барчамизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, аксинча бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақли эканлигимизни ифодалайди.

**Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув ишлари бўйича проректори, филология фанлари доктори.**

## Қисқа сатрларда

**● Қашқадарё вилоятида дастурчилар учун ҳар томонлама қулай шароит ва имкониятлар яратиш ҳамда малакали мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида дастурчилар тайёрлаш маркази очилди.**

● “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва “Ўзкимёсаноат” давлат-акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган медиатурда Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни ижроси ва унинг аҳамияти, атроф-муҳит муҳофазаси борасида олиб борилаётган ишлар хусусида фикр алмашилди.

**● Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан “Касаба уюшмалари — болаларга” акцияси доирасида “Тозалик, озодалик — саломатлик гарови” мавзуида тадбир бўлиб ўтди.**

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

## «Соғлом бола йили» Давлат дастури Сеулда тақдим этилди

*Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси томонидан Сеул шаҳрида “Bundang CHA” ва “Gangnam Severance” шифо масканлари билан ҳамкорликда “Соғлом авлод — соғлом миллат” мавзуига бағишланган давра суҳбатлари ўтказилди.*

**ДУНЁ НИГОҲИ**

Иштирокчилар республикамиз ҳаётининг турли жабҳаларида, шу жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасида изчил амалга оширилаётган туб ўзгаришлар билан танишдилар.

Анжуманда мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан Ўзбекистонда 2014 йил “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани ва унга мувофиқ ишлаб чиқилган Давлат дастуридан кўзланган мақсад ҳамда вазифалар, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини такомиллаштиришга оид атрофлича маълумотлар кореялик қатнашчилар эътиборига ҳавола қилингани баробарида, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар асосий натижаларининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

**“Bundang CHA” тиббиёт маркази директори Чи Хун Санг** ўз нутқида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ва унинг натижаларига юқори баҳо берди. У қисқа давр мобайнида мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида улкан муваффақиятлар қўлга киритилгани ҳақида тўхталар экан, бунга кўп жиҳатдан ҳукумат томонидан юритилган кучли ижтимоий сиёсат ҳамда оналик ва болалик муҳофазаси бўйича кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик туфайли эришилганини таъкидлади. “2014 йилнинг Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани ҳам ана шундан далолат беради”, деди профессор.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Жорий йилнинг январь — июнь ойлари давомида мамлакатимизда узунлиги**

**213,6**

**километрлик автомобиль йўллари барпо этилиб, мавжудлари реконструкция қилинди.**

Йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида амалга оширилган бундай кенг кўламли қурилиш ишлари республикамизда юк ҳамда йўловчи ташиш ҳажмини ошириш, аҳолини ўз манзилига тезкор ва хавфсиз етказишдек эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилмоқда.

ИФТИХОР

*Президентимизнинг мустақиллигимиз йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи истиқлол йилларида эришилган натижалар муфассал таҳлил этиб берилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Бугун ким билан суҳбатлашманг, қўлга киритилган барча ютуқлар замирида давлатимиз раҳбарининг узоқни ўйлаб амалга ошираётган сиёсати, шунга камарбаста бўлган халқимиз меҳнати мужассамлигини эътироф этмоқда. Улар тинчлик, осойишталик барқарор бўлган мамлакатда истиқомат қилаётганидан, шу азиз Ватанда орзулари рўёбга чиқаётганидан шукроналик ҳисси билан яшамоқда.*

# Фаровон турмушимиз мезони

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ Иттифоқда энг охирги ўринлардан бирини эгаллаган қолоқ аграр республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди. Буни одамларимиз ўз турмушида кўриб-билиб турибди. Зотан, Юртбошимизнинг байрам табригида алоҳида қайд этилганидек, мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти тахминан 5 карра, жон бошига даромадлар эса 8,7 баробар кўпайди.

Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга асосланган тараққиёт стратегияси ҳаётга татбиқ этилди. “Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг” деган ҳикматли ибора асосида иқтисодиётимиз тубдан ислоҳ этилди, диверсификация қилинди. Бунинг учун зарур барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Шу асосда бор куч-ғайрат мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини ҳар томонлама самарали қарор топтириш, одамлар онги, ҳаёт тарзини ўзгартириш, фаровонлаштиришга йўналтирилди.

Иқтисодиётга бозор муносабатларини изчил жорий қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта урғу берилгани ички ҳамда ташқи бозорга сифатли, рақобатдош маҳсулотлар етказиб бериш салоҳиятини ошириб, юртимизнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлди. Зотан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётнинг турли инжиқликларига тез мослаша оладиган, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини юксалтиришнинг ишончли манбаларидан бири ҳисобланади.

Шубҳасиз, ҳар қандай соҳа қатори тадбиркорлик ривожи ҳам унинг пойдевори қанчалик мустаҳкамлигига боғлиқ. Бу йўлда Конституциямизда мулкий муносабатларга оид нормалар мустаҳкамлаб қўйилди. Шу асосда қатор қонунлар амалиётга жорий этилди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар, Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилингани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётимизнинг ҳал қилувчи кучига айлантириш имконини берди. Мазкур янгиликлар шарофати билан тадбиркорларга дунё тажрибасида деярли учрамайдиган солиқ имтиёзлари, кредит олишда енгилликлар тақдим этилди. Қулай инвестициявий муҳит яратилди. Ўзбек мулкдорларининг дунёга чиқишига кенг йўл очилди, ахборот-коммуникация технологиялари изчил равнақ топтирилиб, ишбилармонларга кўплаб интерактив хизматлар таклиф этилмоқда.

Пировардида 2000 йилда кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакатимиз ЯИМ улушидаги ҳажми 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йил якунига келиб, бу кўрсаткич 55,8 фоизга етди. Қолаверса, бугунги кунда иш билан банд аҳолининг 75 фоизидан зиёди тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаяпти.

Мамлакатларнинг ривожланиш тенденцияларига баҳо беришда, биринчи ўринда, аҳолининг турмуш шароити ва даромадлари муттасил ўсиб бориши, жамиятда ресурсларнинг адолатли тақсимланишига катта эътибор қаратилади. Шу маънода олганда, биз юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтираётганидан қалбимизда фахру ғурур ҳиссини туямиз.

Республикамизда эса аҳолининг даромадлари муттасил ошиб бориши эвазига ҳамюртларимиз харид ва истеъмол қобилияти ҳам ортмоқда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажми кенгаймоқда. Буни яқинда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича мамлакатларнинг янги рейтинги ҳам тасдиқлайди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий валюта харид қобилияти паритетига асосан ҳисоблаб чиқилган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёнинг 190 давлати орасида 66-ўринни эгаллади. Ваҳолонки, 2010 йилда Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича 72-ўринда қайд этилган эди.

Аҳоли турмуш фаровонлигининг яна бир кўрсаткичи одамларнинг харид қобилияти ўсиб, турмуш шарт-шароитлари тобора яхшиланиб бораётганидир. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, аҳолининг юртимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси йилдан-йилга ортмоқда. Агар 2000 йилда ҳар 100 оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 тага етган. Оилаларнинг 11 фоиздан ортиғи иккитадан енгил автомобилга эга. Бу ютуқлар, марралар ниманинг эвазига? Шак-шубҳасиз, мустақилликнинг, истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотларнинг, “ўзбек модели”нинг ҳаётий самарасидир.

Бундан йигирма йиллар олдин булар ҳақида орзу қилиш мушкул ва қийин эди. Қолаверса, ўтмиш ва бугунни тошу тарозига қўйиб фикр қилсак, “Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган саволга жавоб топамиз. Озодлик, ободлик, бунёдкорлик, тинчлик-тотувлик ҳукм сурган юртимиздан фахр-ифтихор туямиз.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон тизимли, босқичма-босқич тарзда собит қадамлар билан ўз тараққиёт йўлидан олға кетмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олиши, одамлар турмуш сифатини янада оширишга қаратилгани билан ниҳоятда муҳимдир.

**Фахриддин СОЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**O'zLiDeP фракцияси аъзоси.**

# Музейлар — маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисми

*Олий Мажлис Сенатида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Музейларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари: ҳолати ва истиқболлари” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.*

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда ўтказилган мазкур тадбирда қайд этилганидек, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, мамлакатимизда музейлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш, маънавий меросимизнинг, халқимиз маданий ва ижтимоий ҳаётининг кўп йиллик тарихини ўрганиш ҳамда кейинги авлодларга етказишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада тегишли қонунчилик яратилиб, изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони музейларни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Ушбу Фармон билан тарихий меросимизни нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда тарғиб қилиш, шунингдек, музейлар фаолиятида энг замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва фан ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсадида Республика “Ўзбекмузей” жамғармаси ташкил этилди.

2008 йил сентябрь ойида қабул қилинган “Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни музейлар фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Ушбу Қонун билан музейлар ташкил этишнинг мақсадлари, давлат органларининг музейларни бошқариш соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Миллий музей жамғармаси тузилди, Миллий музей жамғармаси Давлат каталогини ёритиш тартиби ва бошқалар жорий қилинди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида 89 та музей фаолият юритаётган бўлиб, шуларнинг 15 таси Тошкент шаҳрида, 29 таси вилоят марказларида, 29 таси шаҳарларда ва 25 таси туманларда жойлашган. 27 та тарих музейи, 23 та ўлкашунослик музейи, 11 бадиий музей ва битта табиий-илмий йўналишдаги музей, 7 та адабий ёдгорлик, 14 та мемориал ёдгорлик фаолияти йўлга қўйилган.

Тадбирда музей ишининг ҳолати ва истиқболлари, ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш тўғрисида фикр алмашилди, музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Сенаторлар жамиятни маънавий юксалтиришда, миллий ғояни мустаҳкамлашда, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда музейларнинг роли ва ўрнини ошириш бўйича қўшимча чоралар кўриш, музейшунослик учун малакали мутахассислар тайёрлаш, музейларни бошқаришга ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш, шунингдек, ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини таъкидладилар.

Шунингдек, давра суҳбатида давлат ҳокимияти органларининг музейларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ҳамда музей экспонатлари ва музей коллекцияларини бойитиш, сақлаш, ўрганиш ҳамда оммавий намойиш этиш соҳасидаги фаолиятини кучайтиришга қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Матбуот хизмати.**

# Мобиль илова ишга туширилди

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва фойдаланувчиларга зарур ахборотларни тақдим этиш тизимини такомиллаштириш мақсадида “Android” платформасида “Central Bank of Uzbekistan” мобиль иловасини ишга туширди.*

ҚУЛАЙЛИК

У “iOS” ва “Android” базасида мобиль иловалар ишлаб чиқишда етакчи саналган миллий “Global Solutions” компанияси билан ҳамкорликда яратилди.

Кенг омманинг Марказий банк ахборотларига ўсиб бораётган талабини тезкорлик билан қондиришга қаратилган ушбу илова олтита асосий бўлимдан иборат. Ташриф буюрувчилар улар орқали банк фаолияти, тизимдаги янгиликлар, кредит ташкилотлари, банкноталар ва тангалар, шунингдек, валюта курслари ҳақида тезкор маълумотлар олиш имкониятига эга. Ахборот матнлари он-лайн режимида Марказий банкнинг www.cbu.uz расмий сайтидан олинади. Натижада мобиль илова мунтазам равишда долзарб ахборотлар билан таъминланади. Илова интерфейси — бошқарув тизими ўзбек, рус ва инглиз тилларида яратилган. Уни “Google play”дан юклаб олиш мумкин.

Илова сайтдан фарқли ўлароқ, смартфон ва планшетлар учун махсус ишлаб чиқилган. Бинобарин, у тез юкланади ва қулай интерфейсга эга.

Илованинг қайта боғланиш бўлими орқали Марказий банкка хабар йўлласа ҳам бўлади. Улар “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни доирасида кўриб чиқилади. Шу маънода, мобиль илова жамоатчилик билан мунтазам алоқа ўрнатишнинг қулай воситасига айланиши, шубҳасиз.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

ШУКРОНА

*Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлар орасида юз ёшдан ошган отахон ва онахонларимиз ҳам бор.*

# Эъзоз ва эҳтиром намунаси

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами Хатирчи туманидаги “Жалоир” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Туман момо Боймуродова хонадонига қўшалоқ қувонч бахш этди.

Чунки онахон энг улуғ, энг азиз айём арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Шу муносабат билан мазкур хонадонга вилоят ва туман ҳокимлиги мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳалла оқсоқоллари ташриф буюришди. Вилоят ҳокими Э. Турдимов Туман момога тантанали равишда “Шуҳрат” медалини топшириб, уни ушбу юксак мукофот билан табриклади.

Туман момо Боймуродова бугун 112 ёшда. 60 нафардан ортиқ невара, чевара, фарзандлари ардоғида кексалик гаштини сураяпти.

— Истиқлол туфайли шундай фаровонликка етказганига шукр, — дейди онахон. — Ана шу дориламон кунларда мамлакатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлаб, менга бундай эҳтиром кўрсатилганидан бошим кўкка етди.

— Бу хонадонга ҳамма ҳавас билан қарайди, — дейди “Жалоир” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бобоқул Суяров. — Ахир меҳр-оқибат, саховатпешалик, яхши-ёмон кунларда бир-бирига мададкор бўлишга нима етсин? Бугун Туман момонинг оиласида ҳамма ана шундай ибратли ҳаёт кечирмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўз умрининг 104-баҳорини қарши олган нарпайлик Улжон Жўраева ҳам юртимиздаги табаррук ёшли онахонлардан бири. Яқинда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган момонинг хонадонига вилоят ва туман ҳокимлиги вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари ташриф буюриб, онахонга юксак мукофотни тантанали равишда топширишди.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган Улжон момо Истиқлолни бебаҳо неъмат, деб билади. Фарзандлари, набиралари, чеваралари эвараларига ҳам ҳозирги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш лозим, дея бот-бот уқтиради.

— Биз, қарияларни қадрлаётган Юртбошимизга мингдан-минг раҳмат, — дейди “Шуҳрат” медали соҳибаси Улжон момо Жўраева. — Бундай тўкин-сочинликка, осойишталигимизга кўз тегмасин. Ёшларимизнинг бахту иқболи бардавом бўлсин.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Боғотда янги боғ барпо этилди

*Боғот тумани марказида “Истиқлол” маданият ва истироҳат боғи бунёд этилди. Бу ерга анвойи гуллар ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.*

ТУҲФА

Айниқса, рангин чироқ нурларида товланувчи фаввора масканга ўзгача кўрк бағишлади. Шу билан бирга, сўлим маскан бағрида ўнлаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсата бошлади.

— Ушбу боғ туманимиз аҳлига мастақиллигимизнинг 23 йиллиги байрамидан ажойиб туҳфа бўлди, — дейди меҳнат фахрийси Марям Юсупова. — Энди бу ерга невараларим билан тез-тез келиб тураман.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Соғлом бола йили» Давлат дастури Сеулда тақдим этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мен ҳам республикада соғлиқни сақлаш ва ижтимоий тараққиёт борасидаги ислоҳотлар берган ижобий натижаларнинг шоҳиди бўлдим, — деди **Ёнсей университети тиббиёт коллежи декани Ли Бюнг Сок.** — “Соғлом бола йили” Давлат дастурида фарзанднинг дунёга келишидан тортиб, унинг тарбияси ва таълим олиши, оилада соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий ҳамда маънавий-ахлоқий асослари, ижтимоий соҳа ривожига йўналтирилаётган маблағлар самарадорлигини оширишгача бўлган барча масалалар ўз ифодасини топгани мени ҳайратлантирди.

Ўз навбатида, **“Gangnam Severance” шифохонасининг бош директори Хюнг Жун** ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар Ўзбекистон раҳбариятининг ҳар томонлама ва пухта ишлаб чиқилган сиёсати натижаси эканлигини алоҳида таъкидлади. У ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги фикрларини ўртоқлашар экан, Корея Республикаси томони болалар учун хайрия тадбирларини ўтказиш юзасидан ўзбекистонлик шериклар билан яқин ҳамкорликни давом эттириш, шунингдек, “Gangnam Severance” марказида республикамиз мутахассислари учун ўқув курсларини ташкил қилиш ниятида эканлигини билдирди.

**«Жаҳон» АА.**
Сеул

Сирдарё вилояти:

# Тараққиётнинг юксак суръатлари



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундай юқори ўсиш суръатларини озиқ-овқат ва қурилиш саноати ҳамда хизмат кўрсатиш жабҳаларида ҳам кузатиш мумкин. Айниқса, вилоятда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиши билан қурилиш ашёлари тури ва ҳажми тобора ортиб бораяпти. Чунончи, эндиликда оддий михдан тортиб, мураккаб конструкцияли бинокорлик материалларигача вилоятнинг ўзида, турли шаклдаги хўжалик субъектлари томонидан тайёрланмоқда. Янгиер ва Гулистон шаҳарларида эса бир неча турдаги сувли эмульсия, бўёқ ва елимлар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Албатта, буларнинг бари қурилиш таннархини арзонлаштириш, сифат ва суръатини оширишда муҳим омил бўлаётир.

## Тупроғида олтин гуллайди

Ховос туманининг Файзобод маҳалласида яшовчи Абдусамат Турдибоев уй-жой учун ажратилган йигирма сотихлик ер эгаси бўлганида ўттиз ёшда эди. Ўшанда Президентимизнинг тарихий қарори асосида мамлакатимизнинг юз минглаб оилалари қатори унинг хонадонига ҳам бахт ва фаровонлик кириб келди. Ҳозир унинг ёши элликдан ошган. Ҳавас қилса арзигулик уй-жойга эга. Бу ҳовлида катта тўйлар қилди, икки ўғлини уйлантириб, бир қизини турмушга чиқарди. Ҳозир Абдусамат томорқасидан йилига камида икки марта ҳосил олади. Рўзғорнинг кам-кўстини шу ер тўлдиради. Ҳосилнинг эҳтиёждан ортгани эса бозорга чиқарилиб, оила даромадига даромад қўшилади. Энг муҳими, бугун вилоятнинг қарийб ҳар бир хонадонида ана шундай миришкор инсонларни учратасиз.

— Истиқлол йилларидаги улкан бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари Сирдарё қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди, — дейди республика фахрийларни қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Ўтбосар Абдиев. — Чунки авваллари ҳудудимиз ҳақида гап кетганда, унга кўпинча “қўриқ” сўзи қўшиб айтилар эди. Не ажабки, истиқлол шарофати билан заминимиз боғ-роғларга бурканди, ҳар қадамда обод манзиллар барпо этилди. Мана, Сайхунобод, Гулистон туманлари орқали Сирдарё соҳиллари томон юрсангиз, ўзингизни водий йўлларида кетаётгандек ҳис қиласиз. Ёки “Тошкент — Термиз” автомагистрали ёқасидаги барака ёғилган далалар, биридан кўркам шаҳару қишлоқларни айтмайсизми?! Намунали лойиҳалар асосида туражойлар бунёд этилиши туфайли пайдо бўлган 21 янги массив ҳам қишлоқлар чиройига чирой қўшмоқда.

Умид Раҳматов йигирма олти ёшида ана шундай уйларнинг бирига кўчиб ўтди. Қурувчилар унга ҳеч бир иш қолдиришмапти. Ҳамма шароит муҳайё. Оила аъзолари билан рўзғор жиҳозларини жой-жойига қўйди, холос. У яшаётган янги ҳовли Мирзаобод туманидаги “Ҳайдар” массивида жойлашган. Намунали лойиҳадаги иморатларга барча муҳандислик-коммуникация тармоқлари уланган. Мавзенинг ўз гузари, равон йўли бор. Яқинда унинг катта автойўлга туташ қисмидаги ҳудудга дарахт кўчатлари ўтқазилди. Буни қарангки, ўз тупроғи билан келтирилиб, тагидан сув узилмаган ниҳоллар август ойида ҳам амал олди. Бу орқали кўнгилда иштиёқ бўлса, ёзда ҳам бутун бир хиёбон ташкил қилиш мумкинлиги ҳаётда ўз исботини топди.

Гулистон давлат университети олимлари эса кучли шўрланган майдонларда биотехнологиялар ёрдамида ҳосил етиштириб, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича самарали илмий тадқиқот олиб боришмоқда. Хусусан, университет олимлари томонидан яратилган генофонддаги ўсимликлар озиқ-овқат ва фармацевтика саноати учун хом ашё ҳамда чорвачилик озуқаси етказиб бериши билан бирга, шўрланган экин майдонларини туздан тозалашга ҳам хизмат қилади. Бу, албатта, келгусида вилоятнинг ҳар қарич еридан янада унумли фойдаланиш имкониятини яратади. Зеро, Сирдарё вилояти марказидаги Мустақиллик майдонига улуғ шоиримизнинг “Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди” деган оташин сатрлари йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилганида ҳам ана шундай эзгу истак мужассам.

## Истеъдодлар камол топаётган маскан

“Сирдарё наволари” ашула ва рақс ансамблининг ҳозиргача концерт берган мамлакатлари сони 15 тадан ошиб кетди. Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими раҳбари, “Дўстлик” ордени соҳиби Анорқул Бойбеков мўйқаламига мансуб ижод намуналари ҳам Европа ва Осиёнинг 15 та мамлакатида намойиш қилинди. Рассом асарларининг аксариятида Сирдарё мавжлари, сокинлиги, Зомин тоғларининг пурвиқорлигию гўзаллиги кўрсатиб берилган. Санъатнинг мўъжизакор қудратини қарангки, ушбу суратлардан завқ олган польшалик ва малайзиялик рассомлар дарёни ўз кўзлари билан кўриш учун атайин Сирдарёга ташриф буюришди. Малайзиялик рассом Юсуф Гиган бир неча кун вилоятда бўлиб, мафтункор юртимиз ва дарё манзаралари акс этган ўз асарларини ҳам яратди.

Бундай ҳайратланарли мисолларни сирдарёлик спортчилар фаолиятидан ҳам келтириш мумкин. Дейлик, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Сарвиноз Қурбонбоева чекка бир қишлоқда яшайди. Аммо уни нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида истеъдодли шахматчи сифатида яхши билишади. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг яна бир соҳибаси Дилбархон Холжигитова эса таэквондонинг ITF йўналиши бўйича қитъа ва жаҳон мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келаяпти. У жорий йил Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси бўлди. Сайхунободлик Сайёра Йўлдошева эса йил бошида, йигирма уч ёшида шашка бўйича халқаро гроссмейстер унвонига эришди.

— Мен мустақиллик фарзандиман, — дейди Сайёра Йўлдошева. — Истиқлол туфайли мактабда илғор таълим технологиялари асосида билим олдим. Шу билан бирга, Сайхунобод болалар ва ўсмирлар спорт мактабида шашка бўйича маҳоратимни оширдим. Сўнгра олий ўқув юртини тугатгач, мазкур спорт мактабида шашка мураббийи сифатида иш бошладим.

Ҳозир Сайёра Болгарияда ўтказилаётган халқаро шашка мусобақасида қатнашаяпти. У ушбу турнирда ғолиб бўлиб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтиш ниятида.



Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Дарҳақиқат, бугун Сирдарёнинг қай бир манзилига борманг, қай бир қишлоғу маҳаллага қадам қўйманг, бирор бир хушхабарни эшитиб кўнглингиз қувончга тўлиши тайин. Бу тўйлар тўйларга, байрамлар байрамларга уланаётган заминимиздаги тинчлик-осойишталик, тўкинлик ва фаровонлик белгисидир. Энг муҳими, ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар Мирзачўл воҳасида истиқомат қилаётган бағрикенг, жонкуяр, ташаббускор ва миришкор инсонлар қалбидаги ғайрат-шижоат, кўтаринки кайфият билан уйғунлик касб этмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Qishloq Qurilish Bank

*Иқтисодиётимизнинг ҳар бир тармоғи ривожи яратиб берилаётган қулай шарт-шароит ва имкониятларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу маънода, айтиш мумкинки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суръатларда тараққий топтиришда мавжуд инвестициявий ҳамда ишбилармонлик муҳити, соҳа вакилларига берилаётган имтиёзлар муҳим аҳамият касб этмоқда.*

### «Қишлоқ қурилиш банк»:

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Бу жараёнда, айниқса, тижорат банклари ҳам ўз маблағ ва хизматлари билан фаол қатнашаётгани диққатга сазовор. Жумладан, кейинги йилларда акциядорлик тижорат “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Фарғона вилояти минтақавий филиали жамоаси саноат, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, транспорт, алоқа, савдо ва хизматлар кўрсатиш каби жабҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани ҳудудда тадбиркорлар сафи кенгайишида муҳим омил бўлмоқда. Филиал томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ишбилармонларнинг лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 9 миллиард 7,4 миллион сўм миқдорида кредит ажратилгани ва мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар кўплиги ана шундан далолат беради.

Банк томонидан, шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Натижада жойларда ўнлаб янги кичик корхоналар ташкил этилиб, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланди. Бунинг учун эса биргина жорий йилнинг ўтган даврида 2 миллиард 289 миллион сўм миқдорида сармоя йўналтирилди.

Маълумки, хотин-қизларни ишбилармонликка жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Буни чуқур англаган филиал жамоаси ўтган давр мобайнида фақат аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 5 миллиард 710,6 миллион сўм миқдорида кредит ажратгани бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Масалан, Гулнора Юнусова раҳбарлик қилаётган “Тож” хусусий корхонаси 2006 йилда ташкил этилган бўлса, шу вақт ичида у мазкур филиал маблағларидан бир неча бор фойдаланди. Ажратилган кредитлар ҳисобидан тикув машиналари сотиб олингани эса, корхона цехларини замон талаблари даражасида жиҳозлаш, ишчилар учун қулайликлар яратиш имконини берди.

— Биласизми, филиалнинг молиявий кўмаги туфайли ички бозорда ўз ўрнимизни мустаҳкамлаб олдик, — дейди Гулнора Юнусова. — Сабаби, бугунги кунда чеварларимиз томонидан тикилаётган сифатли ва бежирим кийим-кечакларга талаб юқори бўлиб, буюртмаларимиз сони кундан-кун ортаяпти. Шу боис жорий йилда ҳам импорт ўрнини босувчи кийим-кечаклар тикиш ва фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида банкка яна 100 миллион сўмлик кредит сўраб мурожаат қилдик. Ўз навбатида, таклифимиз банкнинг малакали мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, бизга қисқа фурсатда тегишли маблағ ажратилди. Яқинда ушбу сармояга хориждан янги тикув ва тўқув дастгоҳлари келтириб, уларни цехларимизга ўрнатдик. Натижада 15 нафар ўғил-қиз доимий иш жойига эга бўлди.

Мухтасар айтганда, айни пайтда акциядорлик тижорат “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Фарғона вилояти минтақавий филиали томонидан кўрсатилаётган тезкор хизматлар туфайли ҳудудда тадбиркорлар сони тобора кўпаймоқда. Улар эса ўз меҳнати орқали бозорни янги маҳсулотлар билан бойитиш, пировардида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатларда ўсишини таъминлашга, юрт обод ва аҳоли турмуши янада фаровон бўлишига муносиб улуш қўшмоқдалар.

**Банк матбуот хизмати.**


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2014 йил 23, 25, 30 сентябрь ва 2 октябрь кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукционга таклиф этади.**

**Очиқ аукционга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100% банк улушлари қайта қўйилмоқда:**

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «Asia pipeplast» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй | Шиша толали қувурлар ишлаб чиқариш | 45 635 559 919,47 | 20 013 138,70 |
| 2. | «Registon plaza» МЧЖ | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шоҳруҳ кўчаси, 53-уй | Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш | 42 967 000 000,0 | 18 842 861,40 |
| 3. | «Xorazm palace» МЧЖ | Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 2-уй | Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш | 24 008 000 000,0 | 10 528 531,58 |
| 4. | «Toshkent qog'ozi» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй | Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 29 198 000 000,0 | 12 804 567,86 |
| 5. | «Koson textile» МЧЖ | Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Мираҳмедов кўчаси, 28-уй | Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 1 663 864 000,0 | 729 675,30 |
| 6. | «Kurgan tex» МЧЖ | Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Ойим қишлоғи, Мадаминов кўчаси, 46-уй | Калава ип ва мато ишлаб чиқариш | 40 439 253 000,0 | 17 734 336,57 |
| 7. | «Nukus textile» МЧЖ | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, «Нукус — Тўрткўл» магистрали | Калава ип, мато ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ҳамда тиббиёт бинти ишлаб чиқариш | 12 581 279 000,0 | 5 559 729,64 |
| 8. | «To'ytepa tekstil» МЧЖ | Тошкент вилояти, Тўйтепа шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 2-«А» уй | Калава ип ва газлама ишлаб чиқариш | 57 710 000 000,0 | 25 308 295,47 |
| 9. | «Marg'ilon bo'yoq tekstil» МЧЖ | Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 400-уй | Матони оқартириш ва бўяш | 7 752 752 000,0 | 3 399 912,29 |
| 10. | «Eastbrick» МЧЖ | Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, «Қизилтепа» ҚФЙ | Ғишт ишлаб чиқариш | 2 845 645 000,0 | 1 322 012,44 |

**Очиқ аукцион шартлари.**

Аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 3 йилдан ошмаслиги лозим.

Объект фаолиятни тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминоти билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлари харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:**

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар томонидан аукционга қўйилаётган «Asia pipeplast» МЧЖ, «Registon plaza» МЧЖ, «Xorazm palace» МЧЖ, «Toshkent qog'ozi» МЧЖ, «Koson textile» МЧЖ, «Kurgan tex» МЧЖ, «Nukus textile» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдорида, «Marg'ilon bo'yoq tekstil» МЧЖ, «Eastbrick» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида ҳамда «To'ytepa tekstil» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 2 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукционда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган санадан бошланади ва аукцион бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ аукцион белгиланган кунлари соат 15.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали)да бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**
**Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60, тел./факс: (8-371) 234-43-31.**
**Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона, телефон: (8-371) 233-02-49, тел./факс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

Гувоҳнома № 005357.

1380А40



## «REAL AUKSION» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти, Қибрай тумани тиббиёт бирлашмаси ҳудудида сақланаётган, 2014 йил 14 апрелдаги 5687/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 52-16 НЕ бўлган «JONYANG JY 210 E» русумли экскаватор такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган экскаватор билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Real auksion» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

**Гувоҳнома № 006795.**

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

1384А/1090



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Қашқадарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Суд департаменти Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2013 йил 2 декабрдаги 2-50-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Отчопар маҳалласи, Отчопар кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 610,0 кв.м., қурилиш майдони 363,71 кв.м. бўлган тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 237 420 500 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 26 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 24 сентябрь куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2014 йил 10 январдаги 2-02/73-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз тумани, «Арабон» МЧЖ шаклидаги савдо мажмуасига тегишли, Шаҳрисабз шаҳри, «Тепарлик» МФЙ, Ипак йўли кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 3 971,9 кв.м., фойдаланиш майдони 5 640,3 кв.м. бўлган савдо мажмуаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 5 403 657 400 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2014 йил 10 январдаги 2-02/73-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ўткирбек Абдувоҳид ўғли» ишлаб чиқариш-савдо фирмасига тегишли, Шаҳрисабз шаҳри, «Тутзор» МФЙ, Ипак йўли кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 26 784,0 кв.м., қурилиш майдони 2 047,32 кв.м. бўлган тўй ва тантанали маросимлар («Тожмаҳал» тўйхонаси) биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 5 089 163 500 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Чироқчи тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2014 йил 14 февралдаги 2-230/1-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чироқчи тумани, «Ҳумо» ҚФЙ, Районобод қишлоғида жойлашган, «Чироқчи дала шпатли кварц» корхонасига қарашли, умумий ер майдони 5 634,56 кв.м., қурилиш майдони 598,44 кв.м. бўлган кварц қумини саралаш ва ювиш цехи бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 169 683 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 7 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 3 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1379R/1453



## «NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

- Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани СИБ томонидан 2014 йил 20 январдаги 11-1331/13488-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Эйвалек қўрғонида жойлашган, қурилиш ости майдони 313,74 кв.м. бўлган савдо дўкони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.***

- Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан 6303/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эшонгузар» ҚФЙ, Н.Ҳожибоев кўчаси, 6-уйдаги 3-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 44 863 703 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 7 октябрь куни соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

1382А/1091






## «REAL AUKSION» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига ДАТ «Асака» банкининг 2014 йил 27 августдаги ДУ-19-23/5030-сонли хатига асосан, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 23-уйда жойлашган ДАТ «Асака» банкининг ДХО «Asaka o'quv kompleksi»даги 100% улуши (доля) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 5 434 450 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 6 октябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2014 йил 6 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 15 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар ДАТ «Асака» банкининг тегишли вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Real auksion» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

**Гувоҳнома № 006795.**

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

1383А/1090


Тошкент фармацевтика институти жамоаси Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси доценти

**Раҳим АРИСТАНБЕКОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“O`zbekenergota’mir” АЖ жамоаси Навоий участкаси бошлиғи Шуҳрат Исмайиловга волидаи муҳтарамаси

**МУБОРАК онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# Экотуризмнинг янги сўқмоқлари

Ўзбекистон нафақат тарихий ёдгорликлари, балки бетакрор табиати, ноёб наботот ва ҳайвонот дунёси билан ҳам оламга машҳур. Бу эса заминимизда сайёҳликнинг муҳим тармоғи — экотуризмни жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

Хусусан, айни пайтда Жиззах вилоятида мазкур йўналишда кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилаяпти. Пировардида ҳудудда агро, тоғ, экстремал, сув туризми бўйича замонавий хизмат турлари йўлга қўйилаётир.

— Вилоятимизда сайёҳликнинг янги-янги қирралари кашф этилаяпти, — дейди “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг Жиззах вилояти минтақавий бўлими мутахассиси Лола Санаева. — Натижада жиззахликлар ҳам мазкур йўналишда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, бу орқали миллий қадрият ва анъаналаримизни дунёга кўз-кўз қилиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Ҳозирги кунда ҳудудимизда 372 та маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган бўлса, шундан 267 таси экологик манзил ҳисобланади. “Зомин” давлат миллий боғи, “Зомин” давлат тоғ-ўрмон қўриқхонаси, “Нурота” давлат тоғ-ўрмон қўриқхонаси, “Арнасой” давлат табиат буюртмахонаси, Туркистон, Нурота, Молгузар тоғ тизмалари ёнбағридаги ҳамда Қўйтошдаги ўрмонлар ва табиат ландшафтлари, тош ҳайкаллар ҳамда қоятошлардаги қадимий расмлар, Сангзор, Зоминсув дарёлари, Айдар-Арнасой кўллар тизими ана шулар жумласидандир.

Биологик хилма-хиллиги ва жозибадорлиги билан ажралиб турувчи ана шундай экотуризм ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда балиқ овлаш, орнитологик, овчилик туризми, фольклор-этнографик каби туристик йўналишларни ривожлантириш, муҳофаза этиладиган ҳудудлар бўйлаб экологик туризм сўқмоқларини яратиш келгусидаги муҳим вазифаларимиз сирасига киради. Шунингдек, “Зомин” санаторийси ва унинг атрофида соғломлаштириш хизматлари, Зомин тоғ чанғи трассаси фойдаланишга топширилиши муносабати билан қиш ойларида тоғ чанғи туризмини ривожлантириш имкониятига эга бўлдик. Бундан ташқари, Буюк Ипак йўли ва қадимий зиёратгоҳлар бўйлаб янги сайёҳлик йўналишлари очишни ҳам мақсад қилганмиз.

Мутахассислар эътироф этишича, экотуризм табиатга зарар етказмаган ҳолда ундан баҳра олишни англатади. Шундай экан, сайёҳликнинг мазкур йўналишини ривожлантириш, ўз навбатида, одамларда экологик маданиятни шакллантиришни тақозо этади. Бу борада ҳам компаниянинг минтақавий бўлими томонидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, экотуризмни ривожлантириш орқали вилоятнинг узоқ тоғли ҳудудларида яшовчи одамлар муқим иш ўрнига, даромад манбаига эга бўлишмоқда. Сайёҳлар эса қишлоқлар аҳолиси билан яқиндан мулоқот қилиб, уларнинг кундалик турмуш тарзи, урф-одатлари ва маросимлари билан яқиндан танишишаяпти.

## ЖАРАЁН

Айтайлик, яқинда Зомин туманининг сўлим қишлоқларида сайёҳлар учун барча шарт-шароитга эга 8 та уй-меҳмонхона ташкил этилди. Шарқираб оқаётган сой бўйидаги сўрилар табиат қўйнида мароқли дам олиш имконини берса, ошхоналарда меҳмонларга турли миллий таомлар тортиқ этилади. Ётоқхоналар миллий ва замонавий кўринишда безатилган. Ювиниш жойлари гигиеник талаблар даражасида. Ҳовлиларга райҳон ва бошқа турли гуллар экилган. Телефон, телевизор, радио ва интернет мавжуд. Эътиборли жиҳати, бундай уй-меҳмонхоналар тизими такомиллашиши билан мазкур ҳудудларда йирик оммавий иншоотлар ва инфратузилма объектлари барпо этишга ҳожат қолмайди. Натижада табиий ландшафтни асл ҳолича сақлаб қолишга эришилади.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоят тоғли ҳудудларидаги аксарият дам олиш масканлари, асосан, ёз фаслида иш олиб боради ва бошқа мавсумларда фаолиятини тўлақонли давом эттирмайди. Уй-меҳмонхоналар эшиги эса исталган пайтда сайёҳлар учун очиқ. Бу эса вилоятга туристлар ташрифи узлуксизлигини таъминлайди.

Дарвоқе, уй-меҳмонхоналарда қўшимча хизмат турлари ҳам йўлга қўйилган бўлиб, улар ҳар бир хонадон шароити ва сайёҳлар қизиқишларидан келиб чиқиб ташкил этилади ҳамда бири-бирини такрорламайди. Масалан, бир хонадонда қозон патир пиширилса, бошқасида тандир кабоб тайёрлаш жараёни намойиш этилади. “Қурт даво”, “Бодом атала”, “Ғилминди” каби шифобахш таомларимизни ҳам ана шу рўйхатга киритиш мумкин. Кўнгилочар тадбирлар эса ҳар бир қишлоқнинг удум ва анъаналаридан келиб чиқиб тайёрланади.

Умуман, 2013 — 2015 йиллар давомида туризмни ривожлантиришга мўлжалланган дастурга мувофиқ, Жиззахнинг чекка ва олис ҳудудларида уй-меҳмонхоналар тизимини янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Зеро, шу кунга қадар Қизилқум биосфера резервати лойиҳаси доирасида Фориш туманининг чекка қишлоқларида ташкил этилган бундай масканлар йилига минглаб хорижий сайёҳларга намунали хизмат кўрсатаётганини ҳисобга олсак, бу тизимнинг қишлоқлар инфратузилмаси ривожидаги самараси қанчалик юксак эканлиги аён бўлади.

Ҳозирги кунда жойларда сервис хизмати сифатини янада юксалтириш, маҳаллий аҳоли орасидан гид-таржимонлар тайёрлаш мақсадида БМТ Тараққиёт дастури кўмагида уй-меҳмонхоналар бекалари ва чет тиллари ўқитувчилари учун турли семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва малака ошириш курслари ташкил қилинмоқда.

“Ўзбектуризм” Миллий компанияси Жиззах вилояти минтақавий бўлимидан олинган маълумотларга кўра, 2013 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан Жиззах вилоятида экотуризмни ривожлантиришга қаратилган лойиҳа учун грант маблағи ажратилди. Ушбу маблағ воҳада сайёҳлик инфратузилмасини шакллантириш, туризм билан шуғулланаётган тадбиркорларга молиявий ёрдам кўрсатиш, жойларда замонавий сервис хизмати турларини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш каби эзгу мақсадларга сарфланаётир. Ўз навбатида, мамлакатимиздаги ва хориждаги туристик фирмалар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилаяпти. Бу яқин вақт ичида ҳудудда сайёҳлик бундан-да кенгаяди, деганидир.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Жорий йилнинг 6 — 20 сентябрь кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида футбол бўйича ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар (U16) ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати ўтказилади.

Мазкур қитъа биринчилигида 16 терма жамоа совринли ўринлар учун кураш олиб боради. Улар орасида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам бор.

# Ўсмирларимиз қитъа чемпионлиги учун беллашади

Вакилларимиз мусобақанинг “С” гуруҳидан жой олган бўлиб, плей-офф босқичига чиқиш учун Кувайт, Корея Халқ Демократик Республикаси ва непаллик тенгдошлари билан баҳслашишади.

Ҳамюртларимиз турнирдаги биринчи учрашувни 7 сентябрь куни непаллик ўсмирларга қарши ўтказишади. Иккинчи турда эса ўзбекистонлик ёш футболчиларга КХДР вакиллари рақиблик қилади. Ўйин 9 сентябрда бўлиб ўтади. Терма жамоамизнинг гуруҳдаги сўнгги беллашуви 11 сентябрда кувайтлик спортчиларга қарши ташкил этилади.

Мусобақа низомига кўра, ўз гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган жамоалар плей-офф босқичида қатнашади. Ярим финалга чиққан тўрт юрт вакиллари 2015 йили Чилида ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати йўлланмаларига эга бўлади.

Кези келганда айтиб ўтамиз, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бундан икки йил муқаддам Эронда ташкил этилган ана шу ёш тоифасидаги Осиё чемпионатида бош совринни қўлга киритган эди.

*Мусобақанинг қолган гуруҳлари билан танишинг:*

**“А” гуруҳи:** Жанубий Корея, Малайзия, Таиланд, Ўмон.

**“В” гуруҳи:** Австралия, Гонконг, Хитой, Япония.

**“D” гуруҳи:** Қатар, Саудия Арабистони, Сурия, Эрон.

## ОҒИР АТЛЕТИКА



Чирчиқ шаҳрида оғир атлетика бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари ўтказилди.

Унда юртимизнинг турли ҳудудларидан энг тажрибали атлетлар ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

# Ўзбекистон рекорди янгиланди

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, кескин курашларга бой кечган турнирнинг вазни 105 килограммдан юқори бўлган полвонлар баҳсида қатнашган Иван Ефремов даст кўтаришда 200 килограмм натижа қайд этиб, Ўзбекистоннинг янги рекордини ўрнатди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур мусобақа спортчиларимиз учун жорий йилнинг 19 сентябрь — 4 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказиладиган XVII Осиё ўйинлари олдидан муҳим тайёргарлик босқичини ўтади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# Ҳам бол, ҳам малҳам

*Қовоқдошлар оиласига кирувчи қовуннинг ватани Марказий Осиё бўлганлиги учун ҳам у ўлкамизда қадимдан машҳурдир. Бугунги кунга келиб эса ушбу полиз маҳсулоти фойдали жиҳатлари кўплиги боис жаҳоннинг аксарият минтақаларида экилмоқда.*

## ТАБИАТ НЕЪМАТИ



Қовун тўйимли неъмат бўлиши билан бирга, ноёб шифобахш хусусиятларга ҳам эга. Абу Али ибн Сино қовуннинг дармондори хусусиятлари ҳақида шундай деган: “Қовуннинг эти ва айниқса, уруғи етилтирувчи ва тозаловчидир. Терини тозалайди, сепкил, доғ, бошнинг кепагини йўқотишда фойда қилади. Қобиғи (пўстлоғи)ни манглайга, қорачиққа ёпиштирилса, бош оғриғини яхшилайди, кўзни равшан қилади”.

Қовун салқин ҳолда истеъмол қилинса, тинка қуришининг олдини олади ва баданга куч-қувват бағишлайди.

Қовун таркибида олтин, қанд, нектин моддалар, органик кислоталар — лимон, шавел, олма, С дармондори, каротин, В1, В2, В6, В15 ва крахмал мавжуд. Магний, фосфор, олтингугурт, темир, фтор, рух каби маъданлар ҳам борки, бу инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдалидир. Шу туфайли қовун халқ табобатида камқонлик, паришонхотирлик, бод, белангги, сил, жигар, буйрак хасталикларини даволашда кенг қўлланилади. Қонни суюлтиради, овқатни тез ҳазм қилади, сариқ хасталигининг олдини олиш, тер ва пешоб ҳайдаш хусусияти бор. Энг муҳими, у асабни тинчлантиради, кайфиятни кўтаради.

Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, кимёвий ўғитлар (селитра, фосфор, калий) билан етиштирилган қовунни истеъмол қилмаган маъқул. У кўнгилни айнатиб, қайт қилиш, ич кетиши, қоринда кучли оғриқ туришига сабаб бўлади. Ёш болалар, буйрак хасталигига (нефрит, невроз, пиелонефрит) чалинган беморларни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин.

Қовунни спиртли ичимликлар, асал, товуқ гўшти ёки сув билан тановул қилиб бўлмайди. Бу ичбуруғ, қорин оғриши, ич дам бўлишига олиб келади.

Айни кузнинг пишиқчилик палласида полиз экинлари бозорларимизни тўлдириб турибди. Тилими тилни ёрадиган қовунларимизни овқатдан сўнг истеъмол қилинг. Ана шунда танангиздаги дарддан фориғ бўлиб, ўзингизни тетик ҳис этасиз.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**


## Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

**қуйидаги лойиҳа/тадбирларни бажариш учун танлов эълон қилади:**

1. Тошкент шаҳар Ботаника боғидаги «Қизил китоб»га киритилган лолалар генофонди коллекциясини қайта тиклаш (бажариш муддати — 2014/2015 йиллар).
2. Намунали плантациялар барпо этиш орқали Оролбўйи ўсимлик дунёсининг генофондини сақлаш (бажариш муддати — 2014 йил).
3. Умумтаълим мактаб ўқувчилари учун 1000 нусхада «Экология ва барқарор тараққиёт таълими» номли ўзбек тилидаги ўқув қўлланмасини нашр этиш (бажариш муддати — 2014 йил).
4. 1000 нусхада «Экологик календарь — 2015 йил» плакатини нашр этиш (бажариш муддати — 2014 йил).
5. Барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълимга оид «Ўзбекистоннинг яшил пакети» мавзуида ўқув материаллари ва мультимедиа ресурсларини ишлаб чиқиш ва олға суриш (бажариш муддати — 2014 йил).

**Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун ичида Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй ёки (+99871) 239-49-21 рақамли факс ҳамда fond@uznature.uz электрон почтаси орқали қабул қилинади.**
**Муддатдан кейин келиб тушган таклифлар кўриб чиқилмайди.**
**Қўшимча маълумотлар учун телефон: (+99871) 239-47-15.**

1374А/722


# Нафосат сайли



*Наманган шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий гул байрами бўлиб ўтди. Ушбу нафосат сайлида вилоят аҳли ва меҳмонлари мафтункор манзаралар ҳамда шукуҳли дамлар шоҳидига айландилар.*

## ТАНЛОВ

Ҳаваскор гулчилар томонидан намойиш қилинган кўргазмалар, айниқса, гуллардан ясалган “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” деган эзгу ғоя акс этган композиция анжуман иштирокчиларига бир олам завқ бағишлаган бўлса, байрам доирасида ташкил қилинган бири-биридан қизиқарли томошалардан диллар яйради. Хусусан, таниқли аскиячилар Муҳаммадсиддиқ Шеряев, Ҳотамжон Ҳакимжоновнинг ичак узди пайровлари, Сотволди Умаров бошчилигидаги дорбозларнинг қизиқарли чиқишлари даврага файз киритди.

Боғдаги “Наво” амфитеатрида байрам танлови ғолиблари тантанали равишда тақдирланди. Жумладан, ўзининг турфа гуллари билан мухлислар эътирофига сазовор бўлган Обидхон Қодиров олий ўринга лойиқ топилди. Жўрахон Мўминов, Боситхон Нуриддинов, Абдураҳим Каримов сингари гулчиларга ҳам совринли ўринлар насиб этди. Уларга ташкилотчиларнинг махсус дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## • ЭЪЛОНЛАР •


### «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳузуридаги Амалиёт бошқармасининг 2014 йил 29 августдаги 04/3025-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Аҳмад Дониш кўчаси, 2-кварталда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 921,0 кв.м., умумий майдони 668,0 кв.м. бўлган тўйхона биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 889 950 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 24 сентябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 22 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк 2014 йил 24 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, унинг такрорий савдолари 2014 йил 9 ва 24 октябрь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 9 октябрдаги савдо учун — 7 октябрь куни, 24 октябрдаги савдо учун — 22 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома ва закалат суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома ва закалат суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Аукцион савдоси ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловлар савдо ғолиби аниқланган санадан бошлаб 15 банк иш куни ичида тўлиқ амалга оширилиши шарт.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1378А/1453



**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

### «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

**акциядорлик тижорат банки**

***банк акцияларини баҳолаш мақсадида қимматли қоғозларни баҳоловчи ташкилотлар ўртасида***

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:**
Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.
Тел./факс: (8-371) 120-45-56, 120-45-60.
Ички телефонлар: 30-63, 32-24.

***Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари (тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим) 2014 йил 17 сентябрь куни соат 18.00 га қадар қабул қилинади.***

1355А/497



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 79 206 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5